

9-10-2019

## IDEOGRAPHIC DICTIONARIES AS HISTORICAL SOURCES

Surayyo Ulugbekovna Gafurova  
*Ferghana State University, PhD*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Gafurova, Surayyo Ulugbekovna (2019) "IDEOGRAPHIC DICTIONARIES AS HISTORICAL SOURCES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 7 , Article 37.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss7/37>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## IDEOGRAPHIC DICTIONARIES AS HISTORICAL SOURCES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## ИДЕОГРАФИК ЛУГАТЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Гафурова Сурайё Улуғбековна,  
Фарғона давлат университети, PhD

**Аннотация:** Мақолада идеографик лугатлар тузиш тамойиллари, ўзбек тилшунослигида яратилган идеографик лугатлар ҳақида тўхталиб ўтилган. Бундай лугатлар қаторида саналган Салоҳиддин Тошкандийнинг “Лугати салос” асарининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа идеографик лугатларга ўхшаш ва улардан фарқли жиҳатлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** идеографик лугатлар, маъно гуруҳлари, сўз, тушунча, маъно, система, майдон, лексик сатҳ, тематик гуруҳ, метод.

## ИДЕОГРАФИЧЕСКИЕ СЛОВАРИ КАК ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ

Гафурова Сурайё Улуғбековна,  
Ферганский государственный университет, PhD

**Аннотация:** Идеографические словари в истории узбекского языка. В этой статье говорится об истории идеографических словарей, о принципах их составления и создания. В частности изучен и проанализирован идеографический словарь Салоҳиддина Тошкандий «Лугати салос», его особенности, общие стороны и отличия от других идеографических словарей.

**Ключевые слова:** идеографические словари, смысловые группы, слово, понятие, смысл, поле, лексическое поле, тематическая группа, метод.

## IDEOGRAPHIC DICTIONARIES AS HISTORICAL SOURCES

Gafurova Surayyo Ulugbekovna,  
Ferghana State University, PhD

**Abstract:** Ideographic dictionaries in the history of the Uzbek language. This article talks about the history of ideographic dictionaries, about the principles of their compilation and creation. In particular, the ideographic dictionary of Salohiddin Toshkandiy “Lugati salos”, its features, general aspects and differences from other ideographic dictionaries were studied and analyzed.

**Keywords:** ideographic dictionaries, semantic groups, word, concept, meaning, field, lexical field, thematic group, method.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аждодларимиз илмий меросини ўрганиш учун кенг қамровли имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилиб, мазкур масалага бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда бетакрор илмий меросимизнинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган қатламларини очиб бериш, хусусан, мамлакатимиз ҳамда чет эл фондларида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири тарзида белгиланди. Ҳозирги кунда «Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр

ўртага қўяётган жуда қўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин...Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўла туриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак» [1]. Бугунги кунда Ўзбекистонда сақланаётган ноёб қўлёзмаларнинг электрон базасини яратиш ва юритиш, уларни тизим асосида чуқур ўрганишни ташкил қилиш ва назарий жиҳатдан тавсифлаш, ёзма ёдгорликларнинг илмий изоҳларини ўзбек ва хорижий тилларда оммавий ахборот воситалари ва интернетда нашр қилиш, мамлакатимиз ва хорижий олимлар, мутахассислар, ўқувчи ёшларга уларнинг ижодларини таништириш ва ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тилшунослик тарихида машҳур тилшунослар тилининг сатҳларини ўрганиш жараёнида улар бири иккинчисидан аҳамият жиҳатидан кам эмаслигини тан олганлар. Шунинг учун ҳам тил назариясининг асосчиси В.Гумбольдт “Тилдаги формалар алоҳида-алоҳида яшмайди, балки бутуннинг бўлаги сифатида ҳаёт кечиради”,-деган эди. Унинг фикрича, тилнинг ҳар бир толаси бошқа томонлари билан чамбарчас боғланиб кетган улкан матога ўхшайди [2].

Ўзбек тилининг турли тараққиёт давларида яратилган ёзма ёдгорликлар, илмий ва бадиий асарлар тадқиқот учун манба вазифасини ўтаб келди, чунки ҳар бир ёзма ёдгорлик шу ёдгорлик яратилган давр тилида ўз аксини топади. Уларни атрофлича ўрганиш асосида ушбу манба яратилган даврдаги ўзбек тилининг хусусиятларини аниқлаш мумкин [3].

Ҳар қандай сўзнинг икки томони мавжуд: ташқи (товуш томони) ва ички (маъно томони). Луғат тузишда сўзнинг у ёки бу томони ёки ҳар иккала томони эътиборга олинади. Масалан, имло луғатида сўзнинг алифбо тартиби назарда тутилади, синонимлар луғатида маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган сўзлар берилади, изоҳли луғатларда сўзларнинг ҳам алифбо тартиби, ҳам маъноси ҳисобга олинади.

Лексикография тарихида ҳар хил мақсадда тузилган луғатлар учрайди. Шулардан бири идеографик луғатлардир [4]. Тилшунослик тарихида идеографик луғатлар яратиш алоҳида қимматга эга. Бундай луғатларнинг мақсади борлиқ элементлари ҳақидаги маълум тушунча қандай моддий воситалар ёрдами билан ифодаланишини очиқ беришдан иборат бўлади. Демак, идеографик луғатларда “борлиқ + борлиқнинг онгда акс этиши + ном” тамойилига бўйсунилади [5].

Сўзларнинг маъно хусусиятларига кўра маълум гуруҳларга ажратиш идеографик (грек. идея, ғоя, тушунча) луғат ёки идеологик луғат [6] дейилади. Идеографик луғатларнинг пайдо бўлиши узоқ тарихга эга. Дастлабки идеографик луғат эрамиздан аввалги II асрда Александрия кутубхонасининг директори Аристофан Византийский томонидан яратилган.

Эрамизнинг II асрида грек тилида Юлий Поллуксининг машҳур “Ономастикон” номли йирик асари майдонга чиқди. Кейинроқ ажойиб саскрит луғати “Амаракоша” яратилди. Унда 10 минг сўз 3 та китобга жойлаштирилган. Биринчи китобда осмон, худолар ва уларга алоқадор бўлган барча нарсалар баён қилинган; иккинчи китобда ер, қуёш, мамлакатлар, аҳоли, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа

нарсалар баён қилинган; учинчи китоб ҳам турли тематик гуруҳларга ажратилган [7].

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳам идеографик луғатлар пайдо бўлди. Шулардан бири Голландиянинг Лейден кутубхонасида сақланаётган XIV аср обидаси “Таржумон туркий ва ажами ва мўғулий” номли луғатдир [8]. Асарнинг муаллифи маълум эмас. Асардан унинг араб, форс, туркий, мўғул ва бошқа тилларни яхши билган етук олим эканлиги маълум бўлади.

“Таржумон”, биринчидан, кўп тилли луғат, иккинчидан, туркий тиллар материаллари асосида ёзилган дастлабки идеографик луғатдир. Асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Исмлар ҳақида” деб номланган. Бунда “исм” сўзи кенг маънода, яъни номлар, отлар деган маънода қўлланган. Биринчи қисм 26 фаслга ажратилган: ҳар бир фаслда маълум тематик гуруҳга кирувчи сўзлар баён қилинган:

- 1) осмон ва унга тегишли нарсалар исми ҳақида;
- 2) ер ва ундаги жойлар ҳақида;
- 3) сув ва сув ичидаги нарсалар;
- 4) дарахтлар, мевалар ва бошқа ўсимликлар ҳақида;
- 5) экин ва донлар ҳақида;
- 6) қушлар ва уларга ўхшаш нарсалар ҳақида;
- 7) йиртқич ҳайвонлар ва уларга оид нарсалар ҳақида;
- 8) ҳашаротлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида;
- 9) отлар, уларнинг тури ва ранги ҳақида;
- 10) от абзали, қурол-аслаҳа ва уруш асбоблари ҳақида ва б.

XVII асрда яратилган яна бир луғат “Келурнома” деб аталади. Бу луғат Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурий шаҳзода Абу Музаффар Муҳитдин Аврангзеб (1658-1707) саройида хизмат қилган олим Муҳаммад Яъқуб Чинги қаламига мансуб [9]. Луғат 15 бобдан иборат. Шулардан 14 боби феъл ва унинг турли грамматик шакллари ҳақида. Дастлаб туркий сўзлардан мисол келтириб, сўнгра уларнинг тожикча-форсча эквиваленти берилган: **уйқуламоқ – хабидан, уйқулади – хабид, уйқулаптур – хабида аст ...**

Луғатнинг феъл қисми араб алифбосида берилган.

Охирги боб 9 фаслга бўлиниб, ҳар қайси фаслда от туркумига (кенг маънода) оид сўзлар турли тематик гуруҳларга бўлинган:

- 1) осмон ва унга алоқадор сўзлар ҳақида;
- 2) ер ва унда мавжуд бўлган нарсалар;
- 3) отлар ва улов отлар;
- 4) бургут турлари ва бошқа ов қушлари;
- 5) киши аъзолари номлари;
- 6) қавм-қариндошлик номлари;
- 7) қурол-аслаҳа номлари;
- 8) сонларнинг номи;
- 9) олмош, равиш, боғловчи ва суффикслар.

Жами 1300 сўз ва сўз формалари берилган [10].

Кўринадик, “Таржумон” ва “Келурнома” луғатларида ҳам биринчи фасл осмон ва унга тегишли нарсалар исми баён қилинган. Шунингдек, кўп тематик гуруҳлар ҳам бир - бирига ўхшаш. Бундай ўхшашлик ҳатто энг қадимги идеографик луғатларда ҳам кўзга ташланади. Бу ҳол идеографик луғат тузишда қандайдир умумий анъаналар ҳукм сурганлигидан далолат беради.

Салоҳиддинхожа ибн Алоуддинхожа Тошкандийнинг тадқиқотимиз объекти бўлган “Луғати салос” асари кейинги йилларда яратилган идеографик луғатдир. Бу луғат 1909 йилда Тошкентда Ғуломий ал-Ҳасаний матбаасида нашр этилган. Асар 6 боб ва 35 фаслдан иборат. Ҳар бир фаслда турли соҳаларга оид сўзлар араб, форс-тожик ва туркий тилларда изоҳланган.

Кейинги йилларда тилшунослиқда, жумладан, ўзбек тилшунослигида янги йўналишлар вужудга келди. Шулардан бири тил сатҳларини система сифатида тадқиқ қилишдир. Тилимиздаги сўзлар борлиқдаги нарсаларни акс эттиради, улар бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлгани каби уларни ифодаловчи сўзлар ҳам маъно ва шакл жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлган маълум бир системани ташкил қилади. Система аъзолари (сўзлар) ўзининг умумий (интеграл) ва фарқли (дифференциал) хусусиятлари билан маълум гуруҳларга бирлашади. Ҳар бир гуруҳ муайян микро ва макро майдонни ҳосил қилади. Лексик сатҳни мазмуний майдон асосида ўрганиш ҳозирги ўзбек тилшунослигининг кенг тарқалган долзарб масалаларидан саналади [11].

Лексик сатҳни мазмуний майдон сифатида ўрганиш билан лексик бирликларни идеографик тадқиқ қилиш бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадор тушунчалардир.

Биринчи боб 7 фаслга бўлинган. Биринчи фаслда **одам аъзоларининг номлари** баён қилинган (4-7-бетлар). Жами 96 та туркий ва уларнинг арабча, форсча-тожикча муқобиллари берилган: *киши, гавда, бош, бошлиқ, қош, қулоқ, кўз, чакка, юз, мия, олин, манглай, кирпик, қабақ, бурун, янгоқ, огиз, тил, тиш, ирун, дудог, милк, лунж, жағ, ҳиқилдоғ, ўнгоқ, сувлуқ йўли, бўғиз, енгак, сақоқ, бўйин, йагрин, қўл, биллак, тирсак, билазик, бармоқ, тирноқ, бош бармоқ, шаҳодат бармоқи, ўрта бармоқи, тўртунчи бармоқ, учинчи бармоқ, овуч, тутан, қулоч, ўпка, буйрак, қариш, болиш, чимдим, қучоғ, бармоқ бўғумлари, биқин, елка, кўкрак, тўш, орқа, ён, ўкса (қафо), сағри, қобирга, қурсақ, бел, киндик, қорин, кўнгил, юрак (дил, қалб 98-байт), талог, ўпка, буйрак, ошук, аёғ, тизза, сон, болдир, тўпуқ, суяк, илик, товон, ўкча, соқол, зулф (ф-тур) гису, ҳайдар кокул, жон (ф-тур), тер, тери (пўст) ва ҳ.*

2-фасл: **Аҳлот исмлари** (7-бет): *сулуқ, қуқруқ, йиринг, эт, қон, учак, бағарсақ, тукрак, сўлак, манқа, сангрук, ёш, сийдук, эсноқ, тушкурмак, ўсуруқ, тезак, пўқ, шиш, яра, учик, қабарчиқ, чечак.* Жами 23 та сўз келтирилган.

3-фасл **атроф исмлари** деб номланади. Унда 16 та сўз изоҳланган: *бўй, олди, қат, ўнг, сўнг, ол, ортин, буюк, уст, ашо, ости, юқори, ўрта, тубан, устин, остин.*

4-фаслда **аймоқот** (яъни қариндош-уруғ исмлари), 5-фаслда **алвон исмлари**, 6-фаслда эса **элат исмлари** келтирилади. Кўринадик, ҳар бир фасл маълум бир тематик гуруҳга бағишланган бўлиб, унда муайян мавзу уяси остига кирган лексемалар берилган.

Систем тилшуносликда макро ва микромайдон тушунчалари мавжуд бўлиб, бунда бир неча микромайдонлар ўзаро маъно алоқадорлиги орқали бирлашиб, бир макромайдонни ҳосил қилади.

“Луғати салос” да ҳам шундай вазиятларни кўришимиз мумкин, яъни муайян бир боб маълум системани ташкил қилар экан, унинг таркибидаги фасллар эса шу системани ташкил қилувчи кичик гуруҳлар (микросистемалар) дир. Фиркимизни мисоллар орқали кўриб чиқайлик:

II бобга **“Барча хайвон исмлари айтилуру”** деб сарлавҳа қўйилган. Бу боб олти фаслдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1-фасл:**улоғдан сўйланур**, бунда уй ҳайвонлари ҳақида сўз боради:

*а а т ф т*

*Фарс ҳам хайл йилхи асб ила от,*

*а ф т т*

*Бақар деб гав сизир ҳўкузни кўрсат.*

2-фасл: **булардан вужудга келур нимарсалар сўйланур:**

*а ф т*

*Лабандур ширу сут, ранги эрур оқ,*

*а ф ф т*

*Забад балойи шир ҳам шама, қаймоқ.*

3-фасл: **биёбондағи йиртқичларни исмлари сўйланур:**

*А т ф т ф*

*Асад арслон жаён йўлбарс, бири шер,*

*А а ф ф т*

*Ва лосу заъб гурку бўри қашқир.*

Ёки III бобни олайлик, у ҳам 6 фаслдан иборат бўлиб, 1-фаслдан **мевали дарахт номлари:**

*А ф т*

*Дахи тин анжиру солма емиш бил,*

*А ф т*

*Дахи таффол себ олма емиш, бил.*

2-фасл: **емиши йўқ шажорат исмлари:**

*А ф т т ф*

*Санавбар–сарв–арча чом ила кож,*

*Ф а т т*

*Сафедор–ирар–ул терак ардож.*

*Ф т а а*

*Т ф*

*Эрур бугдойу гандум, эй некура.*

4-фасл: **озиқ-овқат номлари**, 5-фасл:**батиҳот (полиз) исмлари**, 6-фаслда эса **наботот (ўсимлик) исмлари** келтирилади.

Кўринадики, луғат идеографик луғатлар талабига тўла-тўқис мос келади. Бинобарин, “Луғати салос” нафақат ўзбек тилининг, балки араб ва форс-тожик тилларининг ҳам идеографик луғатидир. Бу эса асарнинг қимматини янада оширади.

Охирги VI боб юқоридагилардан фарқ қилади. У 3 фаслдан иборат: 1-фаслда замир (олмош), 2-исм адад (сон) ва 3-фаслда масдар калом (феъл) туркумларига оид сўзлар келтирилади.

**Замирлар** (олмошлар)да келтирилган сўзлар таркибида кишилик, кўрсатиш, ўзлик, сўроқ, белгилаш олмошлари билан бир қаторда, боғловчилар (*лекин*), кўмакчилар (*кейин, каби*), модал сўзлар (*йўқ, шоядки*), олмош ва равишлар билан ҳосил бўлган сўз бирикмалари (*бул хотун, кўп эрлар, ондай эр*) ҳамда олмош бўлмаган бошқа сўз туркумлари (*орзу, гўё, ўхшаиш, эмас*) ҳам киритилган: *сан, сиз, ул, онлар, санга, анга, аларга сизга, ман (ф-т), биз, манга, бизга, анинг чун, бура, анда, анинглан, анинг узра, анинг сари, андан, шоядки, орзу (ф-т), армон, гўё (ф-т), шундоғ, лекин (ф-т), мунда унда, неча, нечук, шул ўрунда, қачон, қайн, не, ким, каби, ўхшаиш, ойдек, эмди, йўқса, барча, қаму, сира, ҳаргиз (ф-т), сўнг, ўзга, бўлак, недан, кимарса, нимарса, дош, яна, дугул, эмас, йўқ, нима, сўнгра, кейин, эр бу, бул хотун, ул эр, ул хотун, ондай эр, кўп эрлар, кўп хотунлар.*

**“Исми аъдод”**да келтирилган сонлар эса 21 тани ташкил этади: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўқиз, ўн, йигирма, ўтуз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, ярим.* Бидамизки, ҳозирги ўзбек адабий тилида 23 та сон фаол қўлланилади. Демак, “Луғати салос”да улардан учтаси берилмаган, булар: ноль, миллион, миллиард.

**Масдар калом**, яъни феълларнинг ҳозирги луғатларимизда бўлгани каби инфинитив шакли асос қилиб олинган: *демак, айтмак, сизинмак, ўқунмак, уқумоқ, ўлтурмоқ, тик турмак, кўрмак, суқмоқ, урмоқ, юрмоқ, қочмоқ, ишламак, тортмоқ, чекмак, яратмоқ, сўрамоқ, қарормоқ, кулмак, йигламоқ, ишонмоқ, ёшурмак, чақирмак, эснамак, тотмоқ, эшитмак, қайнамоқ, пишурмак, супурмоқ, кесмак, ешмак, йўналмоқ, сотуб олмоқ, сотмоқ, истамак, келмоқ, етмак, эришмак, эммак, емак, ичмак.*

Асарда бир мазмуний гуруҳга бирлашган сўзлар келтирилиши билан бир қаторда, лексемаларнинг компонент таҳлилини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 20-бетнинг ҳошиясида қуйидаги ҳавола берилган: **кўфак**–итнинг эркаги, **қанчиқ**–урғочиси, **кучук**–боласидур.

Шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф сўзларини тематик гуруҳлар (майдонлар) га ажратишда бошқачароқ, яъни кенгроқ ёндашган. Масалан, V бобнинг 4-фаслида **“Яроғ ва аслаҳа отлари”** берилган (38-40-бетлар). Унда **қилич, шамшир, тиз** кабилар билан бирга **арра, эгов, болта** каби меҳнат қуроллари номи ҳам берилган. Муаллиф тадқиқотда анъанавий методлар: қиёсий-тарихий, тасвирий-тавсифий, чоғиштирма ҳамда, қисман, систем тилшуносликнинг майдонни аниқлаш ва компонент анализ методларига ҳам мурожаат қилган.

Умуман, “Луғати салос” идеографик луғат сифатида туркий (ўзбек), араб, форс-тожик тилларини ўзаро қиёслаб ўрганиш имкони борлиги учун ҳам қимматлидир.



### References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi // Xalq so'zi.–Toshkent, 2017 yil 23 dekabr, № 258.
2. Berezin F.M. Istoriya lingvisticeskix ucheniy. M.:Vicshaya shkola, 1986, str.47.
3. H.Ne'matov. O'zbek tili tarixiy fonetikasi.–Toshkent, 1992, 6-bet.
4. Morkovkin V.V.Ideograficheskie slovari.–Izd-vo Moskovskogo u-ta., 1970.
5. Nurmonov A. O'zbek tilshunosligi tarixi.–Toshkent:O'zbekiston, 2002,104-bet.
6. Axmanova O.S.Slovar lingvisticeskix terminov.–M.,1966, str. 421.
- 7.Morkovkin. Ko'rsatilgan asar. 12-14-betlar.
8. "Tarjumon"–XIV asr yozma obidasi. Nashrga tayyorlovchi A. Yunusov.– Toshkent,1980.
- 9.Muxammed Yakub CHingi. Kelur–name (starouzbeksko-tadjiksko-persidskiy slovar XVII v.) Vvedenie, transkripsiya i perevod teksta, glossariy, leksiko-grammaticheskiy ocherk, grammaticheskiy ukazatel A.Ibragimovoy.–Tashkent, 1982.
- 10..Ne'matov H., Rasulov R. O'zbek tili sistem tilshunoligi asoslari.–Toshkent: O'qituvchi, 1995.
- 11.Iskandarova SH. Leksikani mazmuniy maydon asosida o'rganish muammolari.–Toshkent:Fan, 1998.